

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Ш.Шамшиев, судья ёрдамчиси Ш.Яхшибоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Зомин туман прокурори ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи У.Ибрагимов, фуқаровий даъвогар [REDACTED] ва судланувчи [REDACTED] ларнинг иштирокида [REDACTED] га нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED] - [REDACTED] йил 8 [REDACTED] уни Зомин туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “[REDACTED]” ОК раҳбари, [REDACTED], 103-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] бўлиб ишлаб келиб, табиий газдан 2023 йил 5 майда тармоқдан узилган бўлсада, ўзбошимчалик билан ҳисоблагичдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан линия орқали газга уланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 121-банди ҳамда 125 г-банди талабларини бузиб, табиий газдан ноқонуний

фойдаланиб, “Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимининг жами 54.951.000 сўмлик табиий газини яширин равишда талон-торож қилган.

Судда, судланувчи [REDACTED], айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2019 йилда “ [REDACTED] ” оилавий корхонасини ташкил қилганини, кейин 2023 йил март ойининг ўрталарида умумий овқатланиш шаҳобчасининг иш фаолиятини бошлаганини, ушбу шаҳобча [REDACTED] да жойлашганини, шу билан газ ходимлари 2023 йил 5 майда табиий газни қарздорлик бўлгани учун тармоқдан узиб кетишганини, шундан сўнг 2023 йил май ойидан сентябрь ойининг бошларигача ошхонани ишлатмаганини, кейин 2023 йил сентябрь ойининг бошларида ўзи пайвандлаш ускунаси орқали табиий газга ўзбошимчалик билан қайта уланганини, сабаби бошқа фуқаролардан қарздорлиги кўп бўлганини, кейин 2023 йил 27 ноябрь кунига қадар ишчиларнинг ойлигини бериб, ошхонани ишлатиб турганини, сўнг 2023 йил 27 ноябрда “Ўзэнергоинспекция” Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари келиб, газ тармоғига ноқонуний уланганини аниқлашганини ва ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштиришганини, кейин тармоқдан узишганини, ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, фуқаровий даъвогардан кечирим сўраб, “Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, оилавий ва моддий аҳволи оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, фуқаровий даъвогар [REDACTED] судда, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил апрель ойидан буён “ [REDACTED] ” газ таъминоти филиалига қарашли Даштобод шаҳар участкаси улгуржи истеъмолчилар билан ишлаш етакчи муҳандиси вазифасида ишлаб келишини, вазифаларига улгуржи истеъмолчиларга газ етказиб бериш, ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, ҳисоб-китоб далолатномаларини ойма-ой қилиш, тўловларни амалга оширишни назорат қилиш, солиштирама далолатнома тузиш, ноқонуний ҳолатлар аниқланганида тегишли тартибда далолатнома тузиш ва бошқа вазифалар киришини, тергов жараёнида [REDACTED] Зомин туманидан рўйхатдан ўтган “ [REDACTED] ” оилавий корхонаси раҳбари бўлиб ишлаб келиб, 2023 йил 5 майда табиий газ тармоғидан узилган бўлсада, ўзбошимчалик билан ҳисоблагичдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан линия орқали газга уланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2018 [REDACTED] 2 январдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 121-банди ҳамда 125 г-банди талабларини бузиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, “Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимининг жами 54.951.000 сўмлик табиий газини яширин равишда талон-торож қилганлиги аниқланганини, ҳозирги кунда судланувчи [REDACTED] етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлиги сабабли, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг дастлабки терговда ва судда айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, юридик шахс томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида далолатнома (и.в. 9-10), ҳал қилув қарори нусхаси (и.в. 27-29), зарар тўланганлиги ҳақида патта, тилхатлар, маълумотномалар, далолатномалар ва бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] “Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимининг жами 54.951.000 сўмлик табиий газини яширин равишда талон-торож қилганлик ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарар қопланганлигини, ёшлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазо муддатини ишга жойлаштирилган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони ижро қилишни Зомин туман ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи мутасаддилари

зиммасига юклатишни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

“Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни;

иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465, 468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд -,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати ишга жойлаштирилиб, ойлик иш ҳақидан чегириб қолинган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Зомин туман ИИБ ЖХХ пробацция гуруҳи мутасаддилари зиммасига юклатилсин.

нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

“Зоминтумангаз” газ таъминоти бўлимига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Жиззах вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо:

Ш.Шамшиев

Нусхаси аслига тўғри:

Жиноят ишлари бўйича

Зомин туман судининг раиси:

Ш.Шамшиев